

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИКА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 15 ДЕКАБРЬ, ЖУМА • СОҲУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 50 (596) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бунёдкорлик

Оби ҳаёт ва нур улашиб...

“Ҳисорак” сув омбори қошидаги иссиқлик электр станцияси қурилишида бугун иш қизғин. Бунёд этилаётган ГЭС 45 киловатт соат қувватга эга бўлиб, умумий лойиҳа баҳоси 25 миллиард 205 миллион сўмни ташкил этади.

Мустақиллик иншоотида бу йил 8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 200 нафардан орტიқ қурувчилар муҳандис техник ходимларнинг фидокорона меҳнати, қолаверса, қудратли техника воситалари кучи билан ҳар ойда 350-400 миллион сўмлик юмуш бажарилмоқда.

Айниқса, Умир Тўраев ва Али Маликов раҳбарлик қилаётган қурилиш участкалари жамоаси алоҳида гайрат кўрсатаяпти. Келгуси йилнинг март ойигача 22,5 мегаватт қувватга эга бўлган иккита агрегатни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

— Ишнинг тез ва сифатли бажарилишида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутаяпти. Ойлик маошлари вақтида берилиб, илгорлар муқофотланаяпти. Мақсадимиз йирик иншоот қурилишини тезроқ тугаллаб, кишлоқ ҳўжалигини оби ҳаёт, аҳолини электр

энергия билан таъминлашни янада яхшилашдан ибрат, — дейди “Ҳисорак” сув омбори қурилиш трестига қарашли 4-механизацияланган кўча жамланма раҳбари Рустам Ашуров.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Адолат» мухбири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустақамлаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган муносабати билан:

1. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тўзилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта муддатда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури Концепциясини тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўлимлигини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.

Бунда қуйидаги масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ендошувни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;

б) амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни назарда тутган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

в) аҳоли ночор қатламларининг турли тоифаларига, биринчи гада ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган бағоятга етмаган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

г) кексалар ва ногиронлар уйлари, болалар уйлари ҳақида касалликларга чалинган болалар учун интернатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволлаш муассасаларини таъминлашга сарфланмаган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;

д) 2 ёшгача болалари бўлган

оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла кўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик ширини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишини ошириш, уларнинг эътиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш;

жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида гамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юрлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўна-

лишлар белгилаб олинсин;

«Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмлари янада такомиллаштириш;

ёшларнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзасига чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш;

хурматли фахрийлар ва пенсияерларнинг соғлом ва сермазмун ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёрдамга муҳтож одамларга бегараз ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик томонидан уларнинг кенг қўламада эътироф этилиши ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш.

3. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлари, идоралар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргаликда Концепция асосида 2007 йилнинг 20 январига «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Деоноти киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 декабрь

И.КАРИМОВ

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Эзгу ва хайрли йиллар шукуҳи

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ажойиб бир удум яхши анъана тусини олди. Ҳар йили Конституция байрами кенг тантана қилаётган бир пайтда кириб келаётган янги йилга яхши ният ила ном берилиб, қўллаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, бу улғу фазилатли халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Мухтарам Ўртбошимиз яқиндагина Бош Қомусимизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанада яқинлашиб келаётган 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилди.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ бозор муносабатларига ўтиш даврида кам таъминланган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сийосати даражасига кўтарилди. Бунинг исботи ўларок, 1998 йилдан бошлаб ҳар бир йил муайян ном аталиб, халқимизнинг фаровон турмуш тарзини таъминлаш йўлида муҳим амалий чора-тадбирлар ҳаётга тadbик этилди. Масалан, биргина ўтаётган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида яқинлашиб келган кексалар, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилаларга ҳар томонлама қўмак берилиб, берилапти. Аҳоли саноатининг саклаш, айниқса, ёш авлодининг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун соғлиқни саклаш муассасаларига

кенг қўламадаги ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилиб, етарли шарт-шароитлар яратилди. 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ана йўналишдаги хайрли ва савоб ишларнинг манткий давоми бўлиб, десак ҳеч ҳам муболага бўлмайди.

Ўртбошимиз ўз маърузаларида «Ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор», деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бундай хайрли ишдан ҳеч ким, ҳусусан, биз партия фаоллари ҳам четда қолмасдан фаол иштирок этишимиз зарур. Бинобарин, партияимиз Фаолият дастурида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган. Шундай экан, ўзининг беминнат ёрдами ни аямайдиган олижаноб инсонлар — сафдошларимиз сонини ошириш талаб этилади.

Абдулқаҳор АҲМЕДОВ,
«Адолат» СДП Қашқадарё
вилоят Кенгаши биринчи котиби

Миннатдорлик мактуби

Партия суянч, таянч ва ҳақиқий ҳимоячи эканлигига амин бўлдим

«Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилояти Урганч туман Кенгаши биринчи котиби Моможон Норметовани кўпчилик яхши билади, ҳурмат қилади. Бойси, у жонкуяр ва ташаббускор партия фаоли сифатида эл орасида обрў қозонган.

Асли касби ўқитувчи-педагог Моможон опа жамоадoshiлари ва ўқувчиларига жуда меҳрибон. Домо улар дарди билан аямайди. Маҳаллаларда тез-тез бўлиб, одамларнинг қувонч-ташвишида елиб-юғуради. Турли хайрли юмушларга бош-қош бўлади.

Яқинда менинг оиламга катта мурувват кўрсатди. Ўғлимнинг ўқиши учун, тулов-контракт пулини тўлашга қийналиб турганимизда у ёрдам қўлини қўзди. Шундан сўнг жонажон партиямга бўлган ишончим янада ортди: партия биз қабилярнинг суянчи, таянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий ҳимоячиси эканлигига ана бир бор амин бўлдим. Ишончманки, «Адолат» СДП ана шундай муносиб етакчилари билан ўз макенини янада мустақамлайди, унга хайрихоҳлар ошиб бораверади.

Жамила МАТРАСУЛОВА,
ўқитувчи, «Адолат» СДП аъзоси

Танишинг ва овоз беринг!

Фаолият ва дастурлар моҳияти

«Адолат» СДПнинг муштарак мақсадларига хизмат қилади

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Адолат» социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб



Тошпўлат Матибаев 1961 йил 7 декабрда Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида туғилган. 1998 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Айни пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳақида республика темирйўлчилар ва транспорт ходимлари касба уюшма Марказий қўмитасига қарашли «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийсининг бош шифокори. 75-Зангиота сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган.

Илк иш фаолиятини 1981 йили Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида фрезерчи бўлиб бошлаган Тошпўлат Матибаев Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битиргач, пойтахтимиздаги 1-сонли темирйўл шифохонасига жаррох бўлиб ишга кирган. Кўп йиллар у мазкур шифохонада жаррохлик қилиб, устозлари Саид Аъзамхўжаев ва Жаббор Муродовдан шифокорлик сир-асрорларини ўрганди. Инчунун, устозларидан олган сабоқлари асосида ўзининг тир-ишқоқлик, талабчанлик, жонкуярлик ва қолаверса, ташкилотчилик қобилиятини намойен қилди. Шунинг учун ҳам Т.Матибаевни 1996 йили сил касалликлари диспансерининг бош врачига лавозимига тайинлашди.


Тошпўлат Матибаев 2002 йилдан буён «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳақида республика темирйўлчилар ва транспорт ходимлари касба уюшма Марказий қўмитасига қарашли «Сихатгоҳ» санаторий-профилакторийсинга раҳбарлик қилиб келаётири. Унинг жонбозлиги туфайли санаторий биноси кискса вақт ичида таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, беморлар, дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Эл соғлигини муҳофаза қилиш йўлида толмай меҳнат қилаётган Тошпўлат Матибаев «Адолат» социал-демократик партиясининг энг фаол аъзоларидан бири саналади. Зеро, у партиянинг дастурий-гояларини тарғиб-ташвиқ қилишда зўр гайрат кўрсатмоқда. Бунинг самараси ўларок, партиядошлар сафи кенгайиб бораётири.

— Давр руҳини илғаб, тўғри англаб ишлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолапти, — дейди у. — Нега десангиз, сайловчилар билан бўлган учрашувларда кўпроқ кишлоқларда янги иш жойлари яратиш, ҳусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлардан қандай фойдаланилаётганлигини назорат қилиш ҳақида асосли, адолатли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Демак, сайловчиларимиз ҳам давр руҳини сезиб, бирга қадам ташлаяпти. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтай. Халқни ёлгон ваъдалар билан алдаш, популистик гоялар билан чиқиш биз учун бутунлай ёт. Сайловчилар дастуримни амалга оширишнинг бош қуроли — бу ҳаётини зарур, аниқ, лўнда ва пухта қонунлар ишлаб чиқиш, шу билан бирга илгари қабул қилинган қонунларга давр талаблари асосида муҳим қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, улар ижросини мунтазам қатъий назорат қилишга ҳисса қўйишдир.

қолган депутатлик ўринларига партиядан номзодлар кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Тадбирда шу йилнинг 24 декабрда жойларда ўтказилажак сайловларга жиддий тайёргарлик кўриш ва фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди.



Худойберди Одийев 1961 йил 24 июнда Бухоро вилояти Пешку туманида туғилган. 1993 йилда Бухоро Озқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини тамомлаган. 25-Ибн Сино сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда, Пешку туманида 224-хунар билим юртида ишлаб чиқариш таълими устаси вазифасидан бошлаган. 1990 йилдан мазкур билим юртида ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари, 1996 йилдан директор лавозимларида ишлаган. Бу давр мобайнида унинг ташаббуси ва бевосита сави-ҳаракати билан билим юртида бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан 2 та ишлаб чиқариш устанонаси, иссиқхона ҳамда гишт пишириш цехи ишга туширилди, қўшимча иш ўринлари яратилди.

Худойберди Одийевнинг ташаббускорлиги, меҳнат-севарлиги, касб-хунар таълимининг ривожлантиришдаги жонбозлиги инобатга олинми, 2000 йили тумандаги касб-хунар коллежи директори лавозимига тайинланди. Олти йилдан бери ушбу коллеж директори лавозимига фаолият кўрсатиб келаётган таълим фидойиси, ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук инсонлар, билимдон, юқори малакали мутахассис-кадрлар этиб тарбиялашдек ўта масъулиятли ва шу билан бирга гоётда шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларини ҳаётга муваффақият билан тadbик этиш мамлакатнинг эртанги юксак обрў-эътиборини белгилаб беради, деб ҳисоблайди у.

— Ҳар қуни юртимизда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди Х.Одийев. — Айниқса, таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар қувонарлидир. Партияимиз ҳам жамиятининг ақлий салоҳияти, руҳий-маънавий қамолоти, жисмоний баркамоллиги мамлакат истиқболини белгиловчи энг муҳим омил эканлигини эътироф этган. Шундан келиб чиққан ҳолда, юртимизда таълим соҳасида ҳали айрим ислохотларни амалга ошириш лозим, деб уйлайман.

Авалло, юртимиздаги академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог ходимлари малакасини, умуман олганда, кадрлар салоҳиятини ошириш керак. Кейинги босқичда эса таълим мазмунига эътибор қаратилиши лозим. Иккинчидан эса, битирувчилар, айниқса коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилиш зарур.

Йиғилишда 25-Ибн Сино, 75-Зангиота ва 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган депутатлик ўринларига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Турсунбой Мўйсинажонов 1958 йил 13 октябрда Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида туғилган. 1991 йилда Тошкент Давлат аграр университетини тамомлаган. 86-Қўқон сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган.

Турсунбой Мирзашарипов иш фаолиятини 1974 йили оддий ишчилардан бошлаган. Ҳарбий хизматдан сўнг Фарғона вилоятидаги қатор ташкилотларда масъулиятли вазифаларда ишлаб, бой ҳаётини тажриба орттирган. 2000 йилда у «Адолат» социал-демократик партияси сафига кирган ва Фарғона вилоят партия Кенгашининг ташкилий бўлими мудири этиб тайинланган. 2001 йилдан бошлаб вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби, 2004 йилдан эса Кенгашнинг биринчи котиби бўлиб ишлаб келапти.

Турсунбой Мирзашарипов, қаерда фаолият юритмасин, талабчан, жонкуяр ва адолатли раҳбар сифатида кўзга ташланди. Ўз меҳнат жамоаси ва эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонди. Бир сўз билан айтганда, бугун адолат йўлида фидокорлик билан иш олиб бораётган бу ажойиб инсон билан кўпчилик фахрланади. Зеро, эзу мақсадларини қўзлаган Турсунбой Мирзашарипов доимо эл хизматиди.

— Маълумки, «Адолат» СДПнинг ижтимоий асоси, сайловчилар дастурида белгиланганидек, ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табақалари бўлиб, партия уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намойен этишга интилади, — дейди Т.Мирзашарипов. — Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга қўмаклашди, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Бугунги кунда «Адолат» СДП ўз сафига ижтимоий адолат гояларига содиқ 54 минг нафарга яқин аъзоларни бirlаштирган, йирик сиёсий қууча айланган. Бизнинг вилоятда ҳам партиянинг ўрни ва салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарли ҳол.

Иқтисодий ҳаётда ривожланиш, тараққиёт кузатишмоқда. Бунинг биргина Қўқон шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Бирок, ҳали олдинда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Шундан келиб чиқиб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ўз ҳиссамни қўшган ҳолда айни пайтда ўртаҳол аҳоли табақаларини уйлантираётган, қийнаётган муаммоларини ечишни, бир сўз билан айтганда, уларга ҳар томонлама ёрдам беришни энг асосий вазифам, деб билман.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фаолият дастурида белгиланган устувор йўналишларнинг қисқача мазмунини билан 2-саҳифада танишасиз.

Бизнинг музоҳаб

Партиянинг бошқарувдаги иштироки

демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва ҳокимият халқчилигини таъминлашга хизмат қилади,
— дейди “Адолат” СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманиёз Алибеков

— Айни кунларда мамлакат сиёсий ҳаётида яна бир салмоқли воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай ислохот самараси, аввало, халқнинг иштироки, онгли равишда қўллаб-қувватлаши билан ўлчанadi. Мамлакатимиздаги янгиланишларнинг бугунги босқичи ҳудди шундай ёндашуви талаб этмоқда. Жаҳон ҳаётининг янада юқори ўринга эга бўлиш, интеграцион жараёнларда фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бекам кути амалга ошириш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, шарт қилиб қўймоқда. Зеро, ҳокимият том маънода халқчил бўлмоғи ва жамоатчилик назоратидан четда қолмаслиги лозим. Ҳокимият ва бошқарув идораларида сиёсий партиялар вакилларининг иштироки айни шундай муҳимни юзга келтиришга хизмат қила олади.

Бундай шароитда сиёсий партия вакили воқеалар ривожини аниқроқ сезиши ва катъий фуқаролик позициясига эга бўлиши лозим. Сиёсий ҳозиржавоб, жамоатчиликда фикр уйғота оладиган, воқеалар ривожига таъсир кўрсатадиган кишигина партияга наф келтириши мумкин. Аммо ҳозир гапни масаланинг бошқа жиҳатлари ҳусусида давом эттирганимиз маънўл. Кўптартиявийлик парламент шароитида ўзини оқлади. Яъни, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиб тақомиллаштирилди, сифат яхшиланди. Бу борада парламентдаги партия фракциялари ўртасида курашчан-

лик, рақобат кўзга ташланмоқда. Демак, ҳаётни қонунлар бошқарган экан, сиёсий партияларнинг ана шу жараёнга таъсири кучайиб бораверди. Энди ҳақли савол туғилади: парламентдаги курашчанлик қуйида ҳам намоён бўлмоқдами? Ёки биз барча масалаларни юқори ташкилот ҳал қилиб беришига одатланиб қолганмизми?

— Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туманларини бошлангич ташкилотларимиз қамраб олган. Жанубий қон бошқармаси, “Узавтогаз” вилоят бўлими, вилоят ортопедия ва травматология шифохонаси ҳошидаги бошлангич ташкилотлар ишчанлик борасида аллақачон ўзларини кўрсата олишган. Сабаби, меҳнат жамоаларидаги биронта тадбир уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Партиянинг Ишчи, Пастдаргом туманлари Кенгаши ҳам ҳокимият идораларида ўз таъсирига эга. Негаки, бу Кенгашларга аъзо бўлган партиядош депутатлар кўпчиликини ташкил этгани боис сессияларда муҳим қарорлар қабул қилинишда ҳал қилувчи овозга эга бўлмоқда.

Лекин, очигини айтганда, айрим туманларда партия Кенгашлари ўз ҳуқуқ-ваколатларини тўла идрок эта олмаптилар. Уларнинг вакиллари ислохотлар жараёнига муқобил фикр билдириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, қонун устуворчилигини таъминлаш, кадрлар номенклатурасини яратиш сингари долзарб ва мураккаб масалалардан четда туришни афзал билишмоқда. Нурубо, Пахтачи, Пайриқ, Оқдарё туманлари партия Кенгашлари ҳусусида шундай фикр билдириш мумкин. Бу ҳолатни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

— Жуманиёз Алибекович, Конституциявий Қонун лойиҳасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларига кенг ўрин берилганини кўрамиз. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларини тайинлашда ўша жойлардаги партиялар

гуруҳлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, уларнинг фикри алоҳида инобатга олиниши кўрсатилган.

— Ҳа, бу ҳолат сиёсий партияларнинг бошқарува дахлдорлик муносабатларини кучайтирибгина қолмай, ҳокимият шаффофлигини таъминлаш, ижро масъулиятини ошириш, соғлом қарорлар қабул қилиш имконини беради. Аслида, давлат бошқарувини янгилашдан мақсад ҳам шу.

Этибор беринг, қонун лойиҳасининг олтинчи моддасида сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларини ҳал этишдаги ролини, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтириш мақсадида “Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этилади”, деб белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасининг 7-моддасида партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, бошқарув устидан назоратни кучайтиришга имкон беради.

— Бошқарувни тақомиллаштириш ва уни янада демократлаштиришда нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда маҳалла йиғинлари ҳам катта таъсирга эга. Айтинг-чи, партия Кенгаши маҳалла йиғинларининг бу борадаги ташаббусларини қай даражада қўллаб-қувватлаяпти?

— Дарвоқе, маҳалла — демократиянинг энг катта таяничи. Фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш, қонунларга асосланган эркин ҳуқуқий жамият қуришга бўлган ҳоши-иродаси даставвал шу ерда намоён бўлади. Шунинг назарда тутиб партиявий фаолият марказини маҳаллаларга кўчирганимиз ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳрининг Йўнгичқариқ, Себзор, Навбахор, Саидризо Ализода, Дамариқ маҳаллаларидаги бошлангич ташкилотларимиз кўпгина тадбирларда бош-қош бўлишмоқда. Бу сингари маҳаллаларда партиянинг ёшлар билан ишлаш қаноти, жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари тўзилган. Ижтимоий ёрдам муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Шу эҳтиёжлар учун ҳоймилар кўмағида 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Энг муҳими, маҳаллалардаги бошлангич ташкилотлар рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан мушкул фуқаролик позициясини шакллантиришга, одамларни маҳаллий бошқарув идораларига соғлом фикр ва ташаббус билан муносабат қилишларига қўмаклашишмоқда.

Шуғина эмас, вилоят партия Кенгаши ўз сиёсий платформасини амалиётга тадбиқ этишда фуқаролик институтлари, “Камолот” ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, “Нуроний” жамоғамаси билан ақин ҳамкорлик ўрнатган. Олий ўқув юртлири ва коллежларда турли сиёсий воқеаларга доир давра суҳбатлари тез-тез ўтказиб турилади. Вилоят телевидениеси ва матбуотида партия фаолларини ҳар сафарги чиқишлари демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг долзарб масалаларини қамраб олмақда. Қисқаси, фуқароларда жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан манфаатдорлик ҳиссини шакллантиришга ҳаракат қилаёмиш. Уларни ўз маҳалласи, шаҳри ва юртининг ҳақиқий эгалари сифатида фикрлаб яшашига ундаймиз.

Суҳбатдош: Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири

Тадбир

Қонун лойиҳаларининг тарғиботи

Айни кунларда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг барча ҳудудий ташкилотлари ташаббуси билан жойларда Конституциямизнинг 14 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Қуни кеча “Файз” ҳолдинг компанияси мажлислар залида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этиб, компания ходимлари — “Адолат”нинг фаол аъзолари билан самимий суҳбат қуришди.

Йиғилишни “Файз” ҳолдинг компанияси раҳбари, партиянинг фаол аъзоси Муқаррам Азимова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмухамедова йиғилганларга Республика Президенти ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқа-

рувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг асл моҳияти, унинг сиёсий, ижтимоий аҳамияти ҳусусида сўз юритди.

— Муқтарам Юртбошимиз Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида таъкидлаганларидек, — деди фракция раҳбари, — юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурати, қолaversа, мушаккиллик йилларида сиёсий партияларнинг нуфузи ортгани ва фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошгани сабабли партияларни ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий қўлга айлантириш вақти аллақачон етиб келди. Шу маънода, ушбу Конституциявий қонун лойиҳасини айни вақтда юзга келган муҳим ҳуқуқий ҳужжат, деб баҳолаш лозим.

Фракция аъзоси Исмоил Саифназаров сўз олиб, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси қонун сифатида қўлга киргач, халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги ҳақида тўхтади.

Тадбир якунида компания ходимлари ва иштирокчилар фракция аъзоларига ўзларини таъкидлаган масалалар бўйича саволлар ҳамда тақлифлар беришди.

С.ЖАВБОРОВА,
“Адолат” мухбири



Носир ХАЙДАРОВ оғзаг сўзлаётган

Ижтимоий адолат ва бирдамлик

партиявий мафкура ва фаолиятда асосий мезон бўлган ғоялардир

Мушаккилликнинг 15 йили мобайнида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар амалга оширилди. Халқнинг ижтимоий турмуш даражаси ўсди. Иқтисодий ҳаётда изчил тараққиёт кузатилмоқда.

Яқин йиллар ичида жамият олдида мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш; эркин бозор иқтисодида асосланган адолатли демократик давлат қуриш; фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни ниятсизга етказиш; халқнинг турмуш даражасини ошириш каби муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП бундай улғув ва хайрли вазифаларни бажариш, тўқиларини бартараф этиб, муаммоларни ҳал қилишда ўзини бутун мамлакат, халқ, жамият олдида бурчли, масъул деб ҳис этиди. Ва ана шу масъуллик ҳисси билан бу вазифаларни ҳал этиш учун зарур имкониятларга эга бўлиш мақсадида сайловларда фаол иштирок этишини маълум қилади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўртаҳал ва эҳтиёжманд аҳоли табақаларига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий идродларини намоён этишга интилади. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофиза этишга қўмаклашди, ижтимоий адолат таъминлашга катъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Партиянинг ғоявий негизини уч асосий тамойил ташкил этади. Булар — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойилларидир.

Сиёсий адолат тамойили демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинликлар, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини ўз ичига олади. Ҳамма учун баробар сайлов ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, унга итоаткорлик бу тамойилнинг ўзагидир.

Иқтисодий адолат тамойилини таъминлашда партия мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат, ҳусусий мулкчиликнинг ривожини тақозо этади.

Ижтимоий адолат тамойили жамият раванки учун ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзини ва оиласини боқиб, билим олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ўз кадр-қимматини ҳимоя қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларидан мушкул аҳолга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

Партия иқтисодий эркинлик, ҳусусий мулк ва иқтисодий ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшади, деб ҳисоблайди. Бунда албатта давлатнинг ҳужалик фаолиятини тартибга солиб туриш ва да-

ромаларни аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига қайта қўриб чиқиш каби муҳим функцияларини сақлаб қолиш тарафдоримиз. Зеро, социал-демократия мафкурасининг асосий негизини ижтимоий муҳофиза ташкил этади.

Ижтимоий муҳофазанинг бош мақсади — инсон турмушини бозор иқтисодиёти шароитида ҳимоя қилишдир.

“Адолат” партияси социал-демократия мафкурасига таянади ва Ижтимоий адолат, Эркинлик, Бирдамлик ғояларини илгари сурди.

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Партия мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада жадаллаштириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда қонун устуворчилигига эришиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тўла таъминлашни учун ўзини сафарбар деб билади. Сиёсий партияларнинг ролини ошириш, уларни “давлат ва жамиятни боғлаб турувчи кўприк” даражасига етказиш керак, деб ҳисоблайди. Бу борада қуйидаги вазифаларни бирламчи деб билади:

— Жамиятни, давлатни янада демократлаштириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, сўз эркинлиги мустаҳкам ўрин олиши учун курашиш;

— Ижроия ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назорати бўлишига эришиш;

— Демократик, фуқаролик институтларининг мушаккил фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни кенгайтириб бориш;

— Бюрократия ва коррупцияга қарши кескин курашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШ

Партия инсоний меҳр-оқибатни ҳамма нарсадан устун, деб билади. Аҳолини адресли ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларига жойларда изчил риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Жамиятда аёллар, ёшлар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, етим-есирлар, қаровсиз болалар, ишсизлар, жазо муддатини ўтаганлар ва шу каби аҳоли қатламларига алоҳида этибор билан муносабатда бўлиш ва ёрдам кўрсатиш халқимизнинг инсонпарварлик руҳига мос бўлган зарур чора сифатида қаралиши тарафдоридир.

Шу боис ҳам ижтимоий адолат ўрнатиш учун ҳаракат кейинги йилларда

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаолиятининг доимий диққат марказида бўлади ва қуйидаги вазифалар устувор деб белгиланади:

— Меҳнат қонунчилигида ижтимоий кам таъминланган аҳоли фойдасини қўзғовчи қатор муҳим қўшимча ва ўзгаришларни киритиш, қасаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни мукамаллаштириш, қасаба уюшмаларининг жамиятдаги маъқеани юксалтириш;

— Аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламлари учун аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофиза дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини бюрократия ва адолатсизлик ҳолатларидан тозалаш, уни янада соддалаштириш;

— Меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

— Бинолар, уйлар, маданий-маиший муассасалар, транспортда ногиронлар учун қулайликлар яратиш;

— Болаликдан ногиронларнинг тахсил олишлари учун барча зарур шароитни таъминлаб бериш;

— Фуқароларга янги иш ўринларини яратиш орқали уларни иш билан барқарор таъминлашига эришиш, ишсизликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ

Партия мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришда фаол иштирок этади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида давлат аралашувини кескин қамайтириш, назорат мекёсини қисқартириш, монополия барҳам бериш партия фаолиятининг режалаштирилган ишлар самарасига қиради. Бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширишга интилади:

— Иқтисодиёт ҳосиласида ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид янги тақлифларни ишлаб чиқиш;

— Кичик ва ҳусусий бизнесни ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш. Унинг йўлига гов бўладиган ҳар қандай даражадаги гов ва тўқиларини бартараф этиш;

— Ички бозорни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, улар учун зарур преференциялар ва имтиёзлар жорий қилиш;

— Ер ислохотларининг амалга оширилишини ниятсизга етказиш ва ерни ҳақиқий эгасига бериш;

— Молия-бюджет тизимидаги интими-кун қайтариш, бюджет маблағларидан

қўзланган мақсадли тўловлар, ишчи-хизматчиларнинг маошлари, ўқувчи-ёшлар стипендиялари ва нафақахўрларнинг нафақаларини ўз вақтида берилиши бўйича зарур ҳуқуқий асосларни яратиш;

— Ҳўжалик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

— Солиқ тизими ва унга оид қонунчиликни янада тақомиллаштириш. Солиқ кодекси янги таҳририни яратиш. Солиқ маслаҳатчилари тизимини жорий қилиш.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ

Партия халқимизнинг хайро саховат, меҳру муруват каби олжановит ва инсонийлик фазилатларини ўз фаолиятининг ҳаг негизи деб билади.

Шунингдек:

— юқори даражадаги тиббий хизматни қаролатловчи қонунлар туркумини яратиш;

— мамлакат фуқароларининг бепул, малакали тиббий ёрдам олишлари учун кенг имкониятларни таъминлаш мақсадида аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш қаролатларини ишлаб чиқиш.

— аҳоли, хусусан, болалар ўртасида касалликларнинг олдини олиш — профилактика чора-тадбирларини кучайтириш;

— эркин ва мажбурий тиббий сугурта тизимини шакллантириш;

— ҳусусий тиббий муассасалар тармогини ривожлантириш;

— аҳолининг ҳаётий зарур, сифатли дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалдаги қонунчиликка қатор ўзгаришларни киритиш;

— соғлиқни сақлаш тизимига молиялаштириш самарали механизмларини тадбиқ этиш, соҳада босқичма-босқич хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича молиялаштиришга ўтишни жорий этиш каби муҳим масалаларни амалга оширишнинг зарур, деб ҳисоблайди.

Илм-фан, таълим соҳаларини ислоҳ этиш, уларга эътиборни кучайтириш

Партия жамиятининг ақлий соҳояти, руҳий-маънавий қамолоти, жисмоний баркамоллиги мамлакат истиқболини белгилловчи энг муҳим омил эканлигини эътироф этади. Бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширишга асосий эътиборни қаратади:

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-ни ҳаётга тадбиқ этишда фаол қатнашиш;

— Мактабгача тарбия муассасалари, болалар уюшмалари, ўсмирлар клублари тармогини ташкил этиш ва шакллантиришнинг рағбатлантириш;

— Мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, кутубхоналарини бойитиш, компьютер тармоқлари, интернет ти-

зимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, энг илгор замонавий технологиялар бўйича саводхонлигини ошириш;

— Фундаментал фанларни давлат томонидан молия билан таъминлашни кучайтириш.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ ВА ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Партия бу соҳада республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Партия бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, суд мушаккиллигига эришиш, судларни инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиларига айлантириш учун комплекс тадбирларни амалга оширишни режалаштиради:

— Суд, ҳуқуқ-тартибот фаолиятида фақат қонунга бўйсунмиш тамойилни қарор топтириш;

— Эҳтиёт чораларининг, шу жумладан, қамоққа олиш тўғрисида санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга бериш тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг тўлиқ бажарилишига эришиш;

— Бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қанчалар қонунийлиги назоратини ташкил этиш;

— Ҳаётимизнинг турли жаҳалари — таълим, соғлиқни сақлаш, суд, ҳуқуқ-тартибот тизимлари, солиқ идоралари, ҳокимиятларда ўраб турадиган порахўрлик, таъмағирлик, қонунбузарчиликка қарши, коррупциянинг илдизли-лиги қарши мурасиз кураш олиб бориш ва бунинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

— Аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий савиясини ошириш борасида самарали, илгор технологияларни қўллаш;

— Суд, ҳуқуқ-тартибот тизимини малакали кадрлар билан тўлдирish, уларни етарли моддий, таъминотга эга бўлишлари учун зарур чора-тадбирларни тақлиф эти

Ислохот қирралари

Аёл эркинлиги ва манфаати

давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган

Тараққиётимизнинг муҳим омилли сифатида жамиятда салмоқли ўринни эгаллаб келаётган хотин-қизларнинг мавқеи ва салоҳияти истиклол йилларида сезиларли даражада ортиб бораётди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этадиган хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан талай имкониятлар яратиб берилди. Аёллар, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари чиқарилди, давлат дастурлари яратилди.

Муҳими шундаки, аёллар учун имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу вазифаларни бажаришда аёлнинг жамиятда ижтимоий-иқтисодий таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги, сиёсий жиҳатдан саводхонлиги, интеллектуал салоҳияти бекиёс аҳамиятга эга.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1995 йил 2 мартдаги Фармонида Хотин-қизлар кўмитаси раиси аниқ пайтада Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари этиб таъинланиши эътироф этилган. Шунингдек, ушбу Фармонга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари лавозимлари жорий этилиб, мазкур лавозимларни тегишли ҳудудлар хотин-қизлар кўмиталарининг раислари эгаллашди.

Ҳозирги кунгача бу лавозимлар жамиятимиз хотин-қизларининг манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фолликларини ошириш ва ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилиши баробарида, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичда биринчилардан бўлиб, БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция»ни 1995 йилнинг 6 майда ратификация қилди. Бу аёллар турмушини яхшилаш, уларнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини, соғлигини муҳофаза қилиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларига айланганидан далолатдир.

Умуман, мустақиллик йилларида юртимиз хотин-қизлари манфаатларини, оналик ва бо-

лаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари юзасидан 80 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, Ўзбекистон аёллар аҳолини яхшилашга оид 20 га яқин халқаро конвенциялар ва декларацияларга қўшилди. Шунингдек, 1999 йили «Хотин-қизлар аҳолини яхшилаш бўйича Миллий Ҳаракат дастури» қабул қилинди ва мазкур дастур доирасида жамиятимизда салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, гёҳ-вандлик, ОИТС каби иллатларнинг, диний экстремизм ва ақидапарастиликнинг олдини олиш, аҳолининг онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спортни ривожлантириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш маҳалла маслаҳатчилари зиммасига юкланди ва бу билан аёллар нуфузи янада оширилди. Буларнинг барчаси хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги етакчи ролига ург берилганлигининг нишончасидир.

Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига: «Ўзбекистон Республикаси Икки палатали парламенти сайловларида сиёсий партиялардан иштирок этадиган хотин-қизлар номзодлари сони 30 фоиз дан кам бўлмаслиги шарт», деган қўшимча киритилди. Ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида 21 нафар (18%) ва Сенатда 15 нафар (15%) аёл фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек хотин-қизлари илм-фан, маданият, спорт, санъат, қишлоқ ҳужалиги, саноат ва бошқа соҳалар билан бир қаторда тадбиркорлик, фермерлик соҳаларида ҳам улкан ютуқларга эришмоқдалар. Муҳими шундаки, аёлларимизга ўз оиласидан, ўз фарзандлари тарбиясидан узоқлашмаган ҳолда, қўлай оилавий шaroитда меҳнат қилишлари учун имкониятлар яратиб берилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш бевосита уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ. Чунки факат соғлом аёлгина жамият келажаги учун муносиб ҳисса қўша олиш бахтига муяссар бўлади, жамиятда ўз салоҳиятини тўла-тўқис намойиш эта олади. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислох, қилиш давлат дастури тўғрисида»ги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронлар туғилишини олдини олиш учун янги тутилган чақалоқлар ҳамда ҳомилдор аёлларда тугма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил

этиш тўғрисида»ги, «Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида»ги, «Она ва бола» давлат дастури тўғрисида»ги, «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиш ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида аёллар, оналар, бўлажак оналар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш масалалари назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек аёлининг оғирини енгил қилишга, унинг маъқеини оширишга қаратилган сый-ҳаракатлар ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига йилдан-йилга эътиборини қўйиб берилаётганлиги, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида хотин-қизларга белгиланган имтиёзларда ўз аксини топтомоқда.

Ҳа, давлатимиз томонидан аёлларга яратилган имкониятлар доираси гоят кенг. Аммо ана шу имкониятлардан ўз ўрнида, унумли фойдаланиш ҳамда деб айтиш қийин. Чунки барча аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етуклиги, оилада муътадил маънавий муҳитни яратиш ва ҳар томонлама қўлқўл қўйиш тарбиялаб вояга етказиш борасидаги қобилияти, салоҳияти жамият ривожини учун намоён этиш даражаси етарли, деб бўлмайди. Шу боис, сиёсий партияларнинг, қолаверса, жойлардаги шаҳар, туман, вилоятлар халқ депутатлари кенгашларининг, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида фаолият олиб бораётган депутатларнинг масъулиятини, ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қўлайлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмида) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари партияимиз олдида турган вазифаларни, айниса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фоллигини ошириш борасидаги режаларимизни қайта қўриб чиқишни, ушбу йўналишдаги ишларимиз мазмунини янги гоялар билан бойитишни тақозо этади.

Зухра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
тиббийет фанлари доктори

Жараён

Ҳуқуқий мувозанат белгиси

юрисларнинг пухта назарий билими ва малакасига боғлиқ

Юқори малакали юристлар фуқаролик жамиятининг барча соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, маданият, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Уларнинг, айниса, амалга оширилаётган ислохотлардаги самарали иштироки жуда сезиларлидир.

Айни пайтда мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида демократлаштириш жараёни қизгин кечмоқда. Қолаверса, бозор муносабатларини шароитида малакали юристларга талаб ортиб бораётган. Зеро, нафақат конституциявий ва маъмурий, балки жиноят, фуқаролик, процессуал қонунчиликда ўзгариш ва янгиланишлар кўп.

Ҳозирги босқичда юридик касбнинг хусусиятлари, юристларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш имкониятлари кўп жиҳатдан қўйилмоқда. Ҳуқуқнинг нуфузи билан белгиланади. Шу сабабли, юридик касбнинг бугунги ҳолати эмас, балки келажаги ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар билан белгиланади.

Ҳуқуқий ислохотларга эътиборини қўйиб бериш жамиятда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни асосли баҳолаш имкониятини беради. Шу маънода

маъмурий идоралар ходимларининг, юристларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш долзарб вазифалар сирасидандир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари яхлит бир хусусиятга эга. Негарки, бу ислохотлар жамият ва давлат ҳаётининг турли-туман тармоқларини, мамлакатимизнинг чет давлатлар, халқаро таъкилотлар билан муносабатларини қамраб олади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда юридик кадрларга юқори талаблар қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юридик таълимнинг янгиланишини, ўқитиладиган фанлар рўйхати, ўқув жараёнига ўзгаришлар киритилишини тақозо этади. Истиқболда Ўзбекистонга қандай юрист-мутахассислар зарур бўлишини ҳозирдан аниқ билиш иш қўриш жуда муҳимдир. Бунда ислохот натижасида мамлакатимиз қонун ҳужжатларидаги юзага келаётган ўзгаришлар жараёнини ҳам эмас, балки ҳуқуқий ҳаётнинг байналмилалашувини, Ўзбекистондаги ҳаёт ҳуқуқий майдонига кириб боришини ҳам ҳисобга олиш кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий ислохотларнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритганда, ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш жараёнига, аввало,

ло, замонавий қонун ҳужжатларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Амалдаги Конституция 1992 йили қабул қилинганга қарамай, 2000 йилгача мамлакат ҳуқуқий тизими тулиқ шаклланмаган эди. Бунинг асосий сабаби ўша йиллари Ўзбекистон ўз тарихи ва давлат қурилишининг ўтиш босқичида бўлганидир. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий соҳадаги ҳуқуқий вазиятда кўринади. Конституциядан бевосита келиб чиқадиган қонунларнинг барчаси ҳам қабул қилинмаганди, ҳужалик ҳуқуқининг муҳим масалалари ҳал этилмаганди.

Шу тариқа, ҳуқуқ тизими аллақачон таркиб топан, барқарорлашган мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистон ҳуқуқий ҳозирги даврга келиб ўзининг шаклланиш босқичидан ўтиб, ривожланиш босқичига кирди. Бу ҳолат, шубҳасиз, юридик кадрлар ишида, жумладан, ҳуқуқни ўрганиш ва ўқитишда, уни амалиётда қўллашда мавжуд камчиликларни бартараф этиш имконини бермоқда, қолаверса, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги босқичда қонунчиликдаги ўзгаришларни талай объектив омилларга боғлиқ. Лекин ижтимоий муносабатларни норматив-

ҳуқуқий тартибга солишда юристлар дуч келаётган қийинчиликларнинг барчасини ҳам объектив шарт-шароитларга боғлаб бўлмайди. Кўпинча, қонун ҳужжатларидаги беқарорликлар, ҳуқуқдаги номувофиқликлар бу — қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва касбий маҳорати билан боғлиқ муаммоларнинг, ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини бевосита ёки бевосита қўллашга етарли аҳамият бермаслигининг оқибатидир. Бундай шароитда амалиётчи юрист қийинчиликларга дуч келаверади. У ўз касбига муносиб бўлиши учун пухта назарий билимга, жумладан, конституциявий-ҳуқуқий соҳада етарли тайёргарликни, ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш йўналишларини тахлил қила билиш, ҳуқуқий ахборотни тез тўплаб, улардан фойдалана олиш малакасига эга бўлмоғи керак.

Ҳуқуқий нормаларни билмай ва тушунмай туриб ҳуқуқий ҳодисаларни асосли ва тўғри баҳолаб, аҳамиятли йўл-йўриқларни, йўналишни ва қонуний ҳулқ-атворини шакллантириб бўлмайди. Фуқаролар билан ҳуқуқий-маърифий тадбирларни ўтказишда бунини инобатга олиш керак.

Худойёр МАМАТОВ,
юридик фанлари номзоди

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

БМТни шарқона тараққиёт кутмоқда

Шу кунларда БМТ штаб-квартирасида ташкилотнинг янги бош қотиби — Пан Ги Мунни «тахтага ўтказиш» маросими бўлиб ўтди.

Маросимда БМТ Бош Ассамблеясида Кофи Аннан номига миннатдорчилик билдирилган резолюция тақдим этилди. Ҳужжат лойиҳаси Африка томонидан тайёрланган.

Кореялик 62 ёшли сиёсатчи БМТнинг саккизинчи бош қотиби саналади. Уни «мурасога уста» деб таърифлашади. Муннинг ўзи эса Бош Ассамблеянинг октябрь ойидаги йиғилишида БМТни шарқона замонавийлаштиришга ваъда берган эди.

Собиқ президент Замбабведа

Эфиопиянинг собиқ президенти Менгусту Хайле Мариам Зимбабведаги «мехмон» бўлиб қолади.

Бу ҳақда Зимбабве Реклама ва ахборот вазири Пол Менгон хабар қилган. «Менгусту сиёсий паноҳ излаб борган ва унинг илтимоси қондирилган. Бизнинг бу борадаги фикримиз ўзгаришсиз қолади», — деди у.

Эслатиб ўтамиз, Менгусту Хайле Мариам ҳукуматни 1973 йилдан 1991 йилга қадар бошқарган. 1992 йили Зимбабвега қочиб, сиёсий паноҳ сўраган.

Грузияда янги Конституция қабул қилиниши мумкин

Яқин келажада Грузия парламентини янги Конституция қабул қилиши мумкин. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, парламентнинг навбатдан ташқари мажлисида мамлакат Конституциясига сўнгги пайтларда қўллаб ўзгаришлар киритиладигани ана шу фикрни юзага келтирган.

Парламент раҳбари Нино Бурджанадзе таъкидлашча, у Конституцияни бошидан охиригача қайта қўриб чиқишига қарши эмас. Унинг фикрича, Бош Қўнғунга ўзгариш киритилиши аъёнаний демократик давлатга у қадар хос хусусият эмас, бироқ янги демократик йўлдан бораётган мамлакатларда бундай ҳолат тез-тез кузатилади. Шу сабабли Конституцияни танқидий жиҳатдан қайта қўриб чиқиш, баҳолаш ўринлидир.

Солиқ

Савдодаги қинғирликлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш тартибига солиш, уни ноқонуний ишлаб чиқариш, четдан келтириш ва соя-тилийининг олдини олиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳудудимизда 47 та рейд текшируви ўтказилиб, ноқонуний муомалага киритилган умумий қиймат 17991,7 минг сумлик 11292 литр спиртли ичимликлар олиб қўйилди.

Самарқанд шаҳар Рўдакий ва Охунбобоев кўчалари кесиган жойда ўтказилган рейд давомида «Каттақўрғон шароб савдо» базаси оғир мудир Ш.Халилов ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган 4 миллион 330 минг сумлик 10 минг шиша виноларни ноқонуний равишда олиб ўтганлиги аниқланди. Шунингдек, «Саёҳат» хусусий фирмасига қарашли «Константин» меҳмон-

Уткир АШУРОВ,
Самарқанд шаҳар ДСИ бўлими бошлиғи

Фармон ва ижро

Касаначилик имкониятлари

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш устувор масалалардан бири этиб белгиланган. Бунда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари катта аҳамият касб этаётди.

Шаҳрисабз туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида асосан касаначилик билан шуғулланаётганлар тақлиф қилинди. Унда ҳар бир ташкилот ва корхона ўз бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

«Зангори» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда фаолият кўрсатаётган Насиба Аҳадованинг тайёрлаган касаначилик маҳсулотлари бу ерга келганларда ҳавас уйғотди.

— Узоқ йиллар шаҳардаги «Хужум» бадий бўйлар корхонасида меҳнат қилиб, попопчиллик сирларини мукаммал ўргандим, — дейди Насиба опа. — Маҳаллага ишга тақлиф қилишгани касаначиликни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирди. Айни пайтда бу ерда 80 нафар хотин-қиз касаначилик билан банд.

Таъкидлаш керакки, «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони соҳани ривожлантириш учун муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда маҳаллада қандолатчилик, бешикчилик, сандиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган 100 га яқин тадбиркор касаначилар иш олиб боришарди.

Президентимизнинг ушбу Фармони маҳалла хотин-қизлари учун муҳим аҳамият касб этди, — дейди туман меҳнат бўлими бошлиғи, «Адолат» СДП аъзоси Абдуқаҳҳор Темуров. — Умуман, туман меҳнат бўлими орқали ҳар йили мунтазам тарзда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, ўнлаб қизлар иш билан таъминланмоқда. «Садо» хиссдорлик жамияти, туман газ таъминоти корхонаси, халқ таълими бўлими, Қашқадарё геология қидирув экспедицияси сингари корхоналар меҳнат бозорида фаол иштирок этиб келишарди.

С.ШАВКАТОВ,
«Адолат» мухбири

Аҳвол

Ходим ишдан бўшатилди, аммо...

Халқ таълими вазирлигига қарашли Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи иқтидорли ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия берадиган нуфузли илм-даргоҳларидан. Ана шу даргоҳда тарбиячи лавозимда ишлайдиган Музаффар Норбоев тахририятимизга кириб келди.

— Қорнимга эмас, қадримга йилгайм, — дейди М.Норбоев. — 2005 йил февраль ойидан буён ҳозирги 9 «Д» синфга тарбиячилик қилиб келдим. Фаолиятим давомида синфда ҳеч қандай тартиббузарлик кузатилмади, мунтазам равишда ўқувчиларнинг дарс тайёрлаши, юриш-туриши билан жасадил шуғулланиш келганлиги учун ўзлаштириш курастқилари анча яхшиланди. Бироқ, шу йилнинг ноябрь ойида лицейимиз директори М.Абдалимов хонасига чақириб, ишдан ҳайдалганини айтди. Сабабини сўраганимда: «Ўқувчи таъмағирлик қилганлигини учун сенга бу ерда жой йўқ», деб жавоб берди. Бутун жамоанинг олдида Фиррибар сифатида ишдан ҳайдалдим. Айниқса, ўқувчиларим, ота-оналар олдида уятдан бош кўтариб юра олмай қолдим. Ахир, мен талабалик давримда ҳам ота-онамга иқтисодий ёрдам бўлсин, ҳам ўзимнинг иш таъжрибам ошин, деган ниятда ишга киргандим. Ҳеч қачон бундай жирканч ишга қўл урмаганман. Ахир оладим маошим, стипендиям бемалол ўзимга етади-ку! Қолаверса, ўқувчига таъмағирлик қилган

бўлсам нега ота-оналар тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этишмади. Лицей раҳбари эса шуни асос қилиб мени ишдан бўшатиш адолатданми?..

Шикоят-ариза юзасидан лицейда бўлди. Лицей раҳбарига учрашиб, воқеа тафсилотлари билан яқиндан танишдик.

— Тарбиячи М.Норбоев ҳеч қандай асосиз эмас, балки директор ўринбосарининг, ота-оналар кўмитаси аъзоларининг оғзаки ҳамда ёзма шикоят ва билдиришномасига қўра ишдан бўшатирилган, — деди лицей директори М.Абдалимов.

Хуллас, Музаффар Норбоев 2006 йилнинг 4 ноябрида буйруқ билан ишдан озод этилган. Бироқ, уни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган, яъни лицей касабга уюшма кўмитасидан рухсат олинмаган.

— М.Норбоев меҳнат шартномаси асосиз бекор қилинди, деб бизга мурожаат қилмади, — дейди касабга уюшма кўмитаси аъзоси Г.Саттарова. — Шунинг учун унинг ишдан бўшаганини муҳокама қилинмади.

Ана ҳолос. Наҳотки, лицей маъмурияти ходимини ишдан бўшатишдан олдин касабга уюшма кўмитасига ёзма тақдимнома киритилиши лозимлиги, касабқўра эа ун кун муддат ичида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида ёзма равишда хабар бериши кераклиги меҳнат қонунчилигида аниқ бел-



Пойтахтимиздаги «Пойабзалчи» очик ҳиссдорлик жамиятида айни пайтда 100 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим хизмат қилмоқда. Асосан аёллар меҳнат қилаётган корхонада бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда спорт пойабзаллари ва ҳарбийлар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришмоқда. Россия ва Жанубий Корея давлатларидан ҳамме ва пойабзалнинг тақ қисми олиб келинаётгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатлиги ва харидорбўлиғига хизмат қилаётди.

Суратда: корхонанинг қўли гул аёллари Нафиса Йўлдошева ва Озода Қамоллаевлар қизгин иш устида.

Носир ҲАЙДАРОВ оғал суратлар

Спорт

Қизгин беллашувлар,
муросасиз баҳслар

Қитъа олимпиадасининг охири кунлари мамлакатимиз спортчилари учун омадли кечди. Дастлаб бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учта олтин, битта кумуш ҳамда иккита бронза медалини қўлга киритиб, "чарм қўлқоп" усталари ўрта-сида биринчи ўринни қўлга киритди. Ўз вазн тоифаларида барча учрашувларни муваффақиятли аяунлаган Баҳодиржон Султонов (57 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.)лар олтин, Жасур Матчонов (91 кг.) кумуш ва Бекзод Хидиров (60 кг.), Дилшод Махмудов (64 кг.)лар бронза медал-

лари билан тақдирланди.

Енгил атлетика баҳсларида саккиз нафар вакилимиз иштирок этиб, битта олтин ва тўртта кумуш медалга сазовор бўлишди. Мусобақа дастуридан жой олган юнор-рум кураши беллашувларида Дилшод Орипов (60 кг.), Геннадий Чхидзе (74 кг.) бронза медаллар билан тақдирланган бўлса, Равшан Рўзикулов (96 кг.) ўз вазн тоифасида шохсупанинг иккинчи погонасидан жой олди. Эркин кураш баҳсларида Динара Жўраева (48 кг.), Дамир Захартдинов (60 кг.) дастлабки босқичдаёқ рақибларига имкониятни бой беришган эса-да, бошқа вазн тоифаларида ва-

килларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Жумладан, Сослан Тегиев (74 кг.) бронза, Олег Каллагов (96 кг.) кумуш медал совиндор бўлди.

Кеча уюштирилган беллашувларда икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.) Фаластин, Япония, Эрон вакиллари-ни мағлубиятга учратиб, финал йўлланмасини нақд қилди. Хал

қилувчи баҳсда ҳамюртимиз жанубий корейлик Хеон Гук Жонга қарши гиламга чикди. Яна бир вакилимиз Заурбек Сохиев (84 кг.) муносиб тарзда финал йўлланмасини қўлга киритди. Оғир вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, Афина олимпиадаси голиби Артур Таймазов (120 кг.) ҳам терма жамоамиз жамғармасига яна бир олтин медал тақдим қилишга жуда яқин турибди. Артур дастлабки босқичларда Қирғизистон, Жанубий Корея курашчиларига сабоқ берди.

Каратэ бўйича 2002 йили Пусанда ўтказилган XIV Осиё уйинлари совиндори София Каспүтолова Дохага фақат олтин медал иштиёқда ташир буюрганлигини намойиш этди. 60 килограмм вазн тоифасида уюштирилган кумит баҳсларида қаршилиқ каратэчимиз Макао, Хитой Тайпейи, Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирликлари спортчиларини енгиб, шохсупанинг биринчи погонасидан жой олди.

Трамплиндан сакраш мусобақаларида учинчи натижани қайд этган вакилимиз Екатерина Хилько бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Байдарка ва каноэда эшак эшиш, шохмот баҳсларида ҳам терма жамоаларимиз аълолари голиб ва совиндорлар қаторига кириш учун муносиб кураш олиб бормоқда. Кечаги кунги маълумотларга қараганда, умумжамоа ҳисобида саккизта олтин, ўн битта кумуш ва ўн иккита бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик спортчилар умумий рўйхатнинг 9-погонасидан жой олишган.

Авзамо ТУРДИЕВА

Тафаккур бўстони

Оқил инсон
фазилятлари

Буюк файласуф ва энциклопедик олим Абу Наср Фаробий (873-950) фақат Шарқни эмас, ўрта аср Европасини ҳам юнор мутафаккирлари — Платон, Аристотел, Эвклид, Птоломей билан таништирган. Бу улғ аждодимиз ўрта аср фанининг деярли барча муҳим соҳалари — медицина, математика, мушқашунослик, мантик, филология, астрономия, ахлоқшунослик, давлатшунослик ва айниқса, фалсафа бўйича 160 дан ортқ асар ёзиб қолдирган.

Аллома "Фозил шаҳар одамлари", "Фуқаролик сиёсати", "Бахт-саодатга эришув ҳақида" сингари асарларида инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақирадики, унинг идеал жамоа, умумий бахт-саодат ҳақидаги қарашлари гуманизмнинг ривожини учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қуйида Сиз Абу Наср Фаробий тафаккури дурдоналари билан таниши-

• Ақлли деб шундай кишини айта-мизки, унда ўткир зехн-идрок бўлиши билан бирга, фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини, яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга қаратган бўлиши лозим. Шундай одамнигина ақлли ва турғи фикр юритувчи, деб аташ мумкин.

• Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у куп нарсаларни назарга илмайди ва уллардан ўзини устун тутайди.

• Ҳар қимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сузининг удрасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланин, хиёнат, макр ва хийладан узоқ бўлсин, дёнәтли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илми ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва ақли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча мавжуд, моддий нарсалар турғи-сидиги билимни эгалласин.

• Қимки ҳикмат илмига киришмоқчи бўлса, у, аввало, ёш, яхши мижоз-

ли, ҳар томонлама одоб илмини ўрганган одам бўлиши керак. Ундай киши одамларга меҳрибон, покиза, турғисўз бўлиши, фиску-футур, гина, хиёнат, макр ва хийладан холи бўлиши керак. Илмга киришган киши тирикчилик масаласида хотиржам бўлиши керак.

• Ақлли деб шундай кишиларга айтадики, уллар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зур истеедодга эга бўладилар, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил, дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зехн-идрокка эга бўлган киши ақлли деб бўлмайди, улларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ керак.

• Ҳикмат илмига киришмоқчи бўлган киши илм ва илм соҳибларини ҳурмат қиладиган бўлиши керак. Ундай кишининг назарида илм ва илм ақли бошқа ҳар қандай нарсадан устун бўлмоғи керак.

• Даракнинг қамолга етгани мева-сидан билингандек, бахт-саодат яхши хулқлар билан мукаммал бўлади.

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Тахрир хайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЕРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ.

Бош муҳаррир

Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Мат-буот ва ахборот агент-лиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:

700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14

Факс —
133-40-86

Котибият —
136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
136-55-64

Хатлар бўлими —
136-55-64

Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39

Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —
136-54-39

Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи муҳаррир —
Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ

Навбатчи —
Носир ҲАЙДАРОВ

Саҳифаловчи —
Латифжон ТУРСУНОВ

● «Адолат»дан кўчириб
босиш фақат тахририят
рухсати билан амалга
оширилади.

t — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 1400
Ҳажми — 2 босма табок.
Офсет усулида
босилган

Қозғ бичими А-2.
Адади — 2470

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума
кунлари чиқади

Босишга топшириш вақти
— 20.00
Босишга топширилди
— 23.25

Турмуш чорраҳаларида

Эсиз умир,
ЭСИЗ...

Ота — оила сардори. Фарзандлари тарбияси, рўзгорнинг кам-кўстини бутлаш ташвиши кўпроқ ота елкасида. Шунинг учун ҳам уни падари бузруквор дея улуғлаймиз. Аммо айрим эркакларнинг оталик масъулиятини спиритли ичимлик ҳуморига алмашиши гоётада ачинарли.

Ғижувон шаҳар «Қўрғон» маҳалласида яшовчи Р.Толиб ўзининг оталик бурчини унутганлардан. Унинг спиритли ичимликларга ружу қўйиши нохуш оқибатларга олиб келди. Биз бу ўринда, воқеани баён этмоқчи эмасмиз, балки айрим мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз, холос.

Оила — жамиятнинг бош негизи. Унинг тинчлиги, мустақамлиги жамият равнақи, юрт тараққиётига хизмат қилади. Р.Толиблар хонадонни истикомат қилганган маҳалла мутасаддилари, кўпни кўрган оқсоқоллар бу оиланинг турмуш тарзидан беҳабар қолганлар, дейиш мўйрин. Ҳолбуки, бугун аксарият маҳалла кўмиталари фаолияти ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлашдан иборат бўлиб қолаётгандек.

Яна бир мулоҳаза. Халқимизда куш уясида кўрганини қилади, деган ҳикматли гап бор. Инсон ўз оиласида кўрган, билган, одатланганларига асосан ақинларига, атрофдагиларга муносабатда бўлади. Отасидан меҳр кўролмаган фарзанд-чи? У ўз ҳуқуқ ва бурчларини, оила ва жамият олдидаги вазифаларини қай даражада ҳис этиди?..

Фуқаролик кодексининг 31-моддасида «Спиритли ичимликларни ёки ғийҳандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўётган фуқаронинг умумала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин», дейилади. Жорий йилнинг ўтган даври мубайнида туманимизда 4 нафар ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниди, яна 4 нафарининг умумала лаёқати чеклаб қўйилди. Бу рақамлардан ташвишланмай бўладими?!

Инсон учун ота-оналик бахтидан-да мукамалроқ бахт йўқ. Бу бахтдан бенасиб оталар келажак тақдири елга совурилган хазонага киёс. Эсиз умир...

МуҳаммадҲО ҚОДИРОВ,

Ғижувон туман прокурори ёрдамчиси

Китоб жавонингизга

Меҳр
оғушида

Жиззах вилоятида ногиронларга гамхўрлик қўра-тиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қатор эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Яқинда вилоят ҳокими қарори билан ана шу хайрили ишга 7 миллион сум маблағ ажратилди. Жиззах шаҳридаги «Маҳалла» марказига 200 нафар ногиронлар тақлиф этилиб, дастурхон ёзилди. Совгалар топшири-либ, байрам концерти уюштирилди. Тўшакка миҳ-ланиб қолган ногиронларнинг эса уйига бориб, ҳолидан хабар олинди. Уларга 20 та ногиронлар аравачаси, 28 та эшитиш мосламаси ҳамда қилинди. Шунингдек, Олимпия захи-ралари коллежидеа ноги-ронлар ўртасида спорт му-собақалари бўлиб ўтди.

Н.ХУДОЙҚУЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Тарихий обидалар

Муҳаббат ва садоқат рамзи

Ҳиндистон — ажойиб диёр, ўзига хос табиатга, қадимий урф-одатларга эга мамлакат. Бу юртининг, айниқса, улғувтор тарихий обидалари ҳами-ша сайёҳларни ҳайратга солиб кел-ган. Бобурийлар сулоласи ҳукмрон-лик қилган даврда бунёд этилган тарихий ёдгорликлардан энг гузали эса Тож Маҳал макбараси ҳисобла-нади. У Агра шаҳридан икки кило-метр узоқликда, Жамна дарёси бўйи-да қад ростлаган.

Тож Маҳалнинг қурилиш тарихи мана шундай: XVII асрнинг бошла-рида Шимолий Ҳиндистонда Бобу-рийлар авлодидан бўлган Шох Жа-ҳон ҳукмронлик қилар, унинг се-викли хотини Аржуманд Бону бе-гим эди. 1630 йили жанубга қилин-ган бир сафарда Аржуманд бегим тўсатдан вафот этади. Ўшанда ма-лика ўттиз тўққиз ёшда эди. Суюк-лиқ малика ўлими олдида эрига: «Вафотимдан кейин уйланманг ва менга атаб бир макбара бунёд этингки, дунёда яққаю ягона бўлсин», деб васият қилади. Шох Жаҳон хотинининг васиятини бажо келтириб, Аржуманд бегимга ба-ғишлаб макбара қурдиришга ки-ришади. Замонасининг машҳур меъморларини кенгашга чақиради. Кенгашга фақат Ҳиндистондан эмас, балки Эрон, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатларнинг кўзга кўринган меъморлари тақлиф эти-лади. Шох Жаҳон бунёд этилажак макбара тенгис бўлиши лозимли-гини тайинлайди.


Макбара истеъдодли турк меъмо-ри устод Муҳаммад Исохон афанди лойиҳаси асосида, унинг бошчилиги-да 1632-1650 йилларда бунёд этила-ди. Макбарани қуришда Марказий

осиёлик усталар ҳам иштирок эти-шди. Масалан, самарқандлик Муҳаммад Шариф бош меъмор-нинг ёрдамчиси бўлган. Бухоро-лик ҳайкалтарош Ота Муҳаммад эса иншоотнинг моҳир ҳайкалта-роши бўлиб хизмат қилган.

Шох Жаҳон макбара қурили-шига бевосита ўзи раҳбарлик қилган. Тож Маҳал қурилиши кенг қўламда бошланиб, қури-лиш материаллари мамлакат-нинг турли бурчакларидан Агра шаҳрига келтирилган. Қолавер-са, Богдоддан ҳақиқ, Бадахшон-дан ёқут, Нилдан гранит, Россия-дан зумрад, Ҳинд океанидан марварид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф олиб келин-ган. Ушбу қимматбаҳо тошлар қабртош ва макбара деворла-рининг безагига ишлатилган. Бу улкан ва бетакор нақшларга безанган макбарани қуришда 20 мингга яқин қурувчилар меҳнат қилишган.

Тож Маҳал катта бир богнинг ичи-да жойлашган. Унинг уч томони ба-ланд-қизил деворлар билан ўрал-ган, бир томони эса Жамна дарёси-га бориб тақалади. Богнинг катта дарвозасидан кираверишда узун тош ҳовуз кўзга ташланади, унинг икки лабига сарф, сада ва пальма дарак-лари, ранг-баранг гуллар экилган. Баланг, кенг мрамр супа устига зи-налар билан қилинди, супа ўртаси-да эса баландлиги 80 метрча кела-диган катта қўшумбази макбара қурилган. Унинг чор атрофида бир-бирига рўпара турган тўртта мино-ра ўрнатилган.

Макбара марказида Аржуманд бегимнинг, унинг чап томонида эса



Шох Жаҳоннинг сағанаси жойлаш-ган. Ҳар иккала сағананинг нақш безаклари бир-бирига ўхшаш. Ма-лика қабрига қўйилган сағана яқ-ли теллон қора мрамриддан иш-ланган бўлиб, унинг гир айланаси-га 64 түп нилуфар гули чизилган. Бундан ташқари, баҳор элчиси — лола тасвирлари ҳам моҳирлик би-лан ўйиб ишланган. Ҳар бир долага 32 донадан садаф, ёқут ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Шох Жаҳон сағанаси ҳам нақшли гуллар солинган, қимматбаҳо тошлар би-лан безатилган. Бир замонлар бу сағанани жаҳонда энг катта — 117 каратли Қўҳинур (Нур тоғи) деб номланган яшил бриллиант безаб турган. Қўёш уфққа ёнбошлаган пай-тда Тож Маҳал ажиб товланади. Оқ мрамр қўёш ёғдусида оч пушти

рангда жололанади. Макбара тунда ҳам ана шундай гузал ва ажиб.

Мутахассислар Тож Маҳални бар-ча обидаларнинг чинакам тожи, деб атайдилар. Гузалликда тенги йўқ макбара Ҳиндистонда шу қадар машҳурки, унинг тасвирини ҳамма ерда учратиш мумкин. Зотан, Тож Маҳал макбараси Истамбулдаги энг гузал Ая София жомеси, Афинада-ги Парфетон, Миср Эҳромлари, Па-рижнинг бутхоналари, Бирманинг олтин ибодатхоналаридан ҳам гузалдир. Шу боис ҳар йили дунё-нинг турли бурчакларидан юз минг-лаб сайёҳлар келишади бу ерга. Улар муҳаббат ва садоқат тимсоли бўлган бу улғувтор обида бунёд-корлари ақл-заковатиға таҳсинлар айтишади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Ажаб саодат



дай чироили, во-қеабанд ёзил-ганки, уларни гўе бирини бири тўндириб бору-чи ўзига хос кис-салар, дейсиз. Уқиб чиқиб, дав-латимиз раҳба-рининг у киши ҳақида айтган таърифларини ҳам ёдга оли-шингиз, табиий: «Бу азиз инсон-ни мен яқиндан билиб, одамийлиги, дие-натлилиги, қалби кенглиги ва бошқа кўп яхши фазилатларини тани олганман, ҳурмат қилганман ва эъзозлаганман...»

Шундай! Элим деб, юртим деб ёниб яша-ганлар ҳеч қачон унутилмайди. Зеро, Соиб-жон ака Усмоновнинг порлоқ хотирасига бағишлаб битилган «Ажаб саодат» ҳужжат-ли қиссаси ва хотиралар тўплами ҳам му-аллиф томонидан худди шундай эзгу-мақ-сад йўлида нашрга тайёрланган. Инсоннинг ҳаётда муносиб яшаб, муносиб ишлаб, эрта бир кун барча учун ҳақ бўлган — бандлик-дан кейин яна эл-юрта ҳурмат ила эслани-ши, эъзозланиши ҳам ажаб саодат...

Замон АЛП

Муҳим ҳуқуқий
қўлланма

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриёти-да (Тошкент, 2006 йил) Жиззах вилоят ҳужалик суди раиси, юридик фанлари доктори Комилжон Синдаров ва тадқи-қотчи Илҳом Жуманазаровнинг «Тадбир-корлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари» номли рисоласи нашр-дан чикди.

Рисола 6 қисмдан иборат бўлиб, би-ринчи бобидеа тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари баён этила-ди. Иккинчи бобда эса ҳужалик юритув-чи субъектлар фаолияти ва текшириш-ларни тартибга солишга қаратилган қонунчиликнинг ривожланиши, текши-ришлар тушунчаси ва асосий тамойил-лари, шунингдек, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш асо-слари турғисидеа фикр юритилади.

Рисоланинг тўртинчи боби ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текши-риш ва тафтиш қилиш тартибига бағиш-ланган бўлса, бешинчи бобда ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини текши-риш тартибини бузганлик учун жавоб-гарлик масалалари ёритилган.

Қўлланмада суд амалиёти-га бевосита та-янган ҳолда назорат қилу-вчи органлар фаолиятидаги айрим муам-молар атроф-лича таҳлил қилиниб, те-ғишли тақлиф ҳамда тавсия-лар берилган. Муаллифлар китобхонларга қўлайлик яра-тиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари-да текширишларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини илова тарзда тақдим этиш-ни ҳам лозим деб ҳисоблаган.

Мазкур рисола суд, прокуратура, ички ишлар органлари, давлат солиқ хизмати ва бошқи назорат идоралари ходимла-ри, тадбиркорлар, умуман кенг китоб-хонлар учун мўлжалланган.

Ф.ШОДМОНОВ